

Христиан динида фирқаларга ажралиш



11:00 / 06.06.2020 3904

(биринчи мақола)

Христиан динидаги тоифа ва фирқаларга ажралиш асосан Исо алайҳиссалом осмонга кўтарилиб кетганларидан 3 ва 4 аср кейин юзага кела бошлаганлигини кўриш мумкин. Исо алайҳиссалом ва оналари Марямнинг шахсиятлари, Исо алайҳиссаломнинг туғилиши ва ўлими тўғрисида бир-бирига зид бўлган фикр ва тушунчалар юзага келди. Буларнинг барчаси сабаб бўлиб, христианлик бир неча фирқа ва мазҳабларга бўлиниб кетди:

«... Аллоҳга ва Расулига иймон келтирганлар яна ўзаро уч гуруҳга бўлиниб кетган.

Биринчи гуруҳ – Абйўн гуруҳи. Улар милодий IV аср охирларида инқирозга учраган.

Иккинчи гуруҳ – Павел аш-Шамшотий гуруҳи бўлиб, милодий VII асрда тугатилган.

Учинчи гуруҳ – Арисийлар, яъни Абдуллоҳ ибн Арйус гуруҳи эди. Бу тоифадагилар Исо алайҳиссаломни Аллоҳнинг бандаси, пайғамбари, деб эътиқод қиладилар. Улар ҳақ йўлни танлашгани учун ёлғизланиб қолишди ва айниқса, подшоҳ ва зодагонлар мазҳаби бўлган «Маликоия» (бошқа китобларда «маликония») мазҳаби тарафдорларининг тазйиқига учрашди. Шу сабабли кимсасиз дашту-сахроларда яшаб, савмаъа, дайр ва бошқа кичик ибодатхоналар қуриб, ночор ҳаётга одатланишди. Бошқа фирқаларга аралашмай, эътиқодларида мустаҳкам туришди...»[1]

Бу мавзуда асосан биз христиан дин мазҳаб ва фирқалари, уларнинг бўлиниб кетишдаги сабаблар, эътиқодларидаги фарқлар, ўзаро боғлиқликлари каби аниқ маълумотларни келтиришга ҳаракат қиламиз.

Христианлар орасида эътиқод, маросим каби масалалардаги ихтилофларнинг илк даврлардан бери бошланганлиги ва Калкедон консили билан жиддий бўлинишларнинг юзага келганлиги юқорида айтиб ўтилди. Кейинроқ эса XI-асрда шарқ – ғарб бўлинишига, XVI-асрдан кейин эса ислоҳот ҳаракатларини бошқаларини давом эттирганлигига тўхталинди. Бу бўлинишлардан кейин юзага келган мазҳабларни шу шаклда тартиблаш мумкин: католик, ортодокс, протестант ва монофизит.

А. Католик мазҳаби

Христиан дунёсида энг мансуби бўлган бир мазҳабдир. Бу мазҳаб, ўзини Исо алайҳиссаломнинг вакили Авлиё Пётрга боғлайди. Руҳоний раиси – Пападир. Папа, айти пайтда Ватикан давлатининг бошлиғи ҳам саналади. Папани кардиналлар сайлайди. Тартиб бўйича кардиналлардан кейин епископлар ва роҳиблар келади. Бу мазҳабнинг асосий хусусиятлари ушбулардир:

1. Диний бошлиқ – Пападир. Папа, Исо алайҳиссаломнинг вакили ва Авлиё Пётрнинг давомчисидир.
2. Папа, Исо алайҳиссаломнинг ҳақ ишдаги давомчиси бўлганлиги учун ҳам янглишмас табиат, бирламчи, сиёсий ва бошқарувга оид ҳақ-ҳуқуқ (адашмас мутлақ ҳоким) ларга эга шахс ҳисобланади. Рим, бошқа

черковларнинг руҳоний маркази ва барчасидан устундир.[2]

3. Черков, оламшумулдир (католик сўзи оламшумул маъносини билдиради); ундан ташқари нажот топиш йўқ. Черков, Муқаддас Рух томонидан йўналтирилади ва бошқарилади. Инжилнинг тафсири черковнинг измидадир.

4. Католик мазҳаби эътиқодига кўра, Муқаддас Рух, Ота ва Ўғилдан чиқади.

5. Уларга кўра Исо алайҳиссаломда, илоҳий ва инсоний икки табиат мавжуд.

6. Анъаналар айнан қабул қилинади.

7. Исо алайҳиссалом каби Марям ҳам бегуноҳ, аслий гуноҳдан узоқдир. Марям, Тангрининг ҳузурида шафоат қилиши мумкин. У ҳам осмонга кўтарилиб кетган.[3]

8. Азизлар ҳам Тангри ҳузурида сўзга эга, шафоатчи бўлишлари мумкин. Уларнинг расмлари ва муқаддас омонатларига алоҳида ҳурмат кўрсатилади. Уларнинг номлари ва шарафларига деярли ҳар куни маросим ташкиллаштирилади.

9. Инсон, аслий гуноҳ ичидадир. Шунга кўра ёмонликка нисбатан мойиллик, гуноҳ эмас[4]; балки у гуноҳга бошлаши мумкин. Гуноҳдан фориғ бўлиш жуда ҳам муҳим. Бунинг папага эътироф қилиш билан бўлиши керак. Вояга етган ҳар бир христианнинг йилда энг ками бир марта гуноҳдан тозаланиши 1215-йилда ташкиллаштирилган Латеран консилида таъйин қилинган.

10. Сакраментлар еттитадир. Руҳонийлар жамоати оила қуриши мумкин эмас. Руҳонийлардан ташқаридагилардан эса оила қурганлар эса ажрашишлари мумкин эмас. Черковда қилинмаган никоҳ саҳиҳ саналмайди. Оила қургандан кейин иккинчи марта оила қуриш зино қилиш, деб ҳисобланади. Вафтиз, бошдан сув тўкилган ҳолда қилинади. Вафтиз бўлмасдан ўлганлар жаҳаннам ҳисобланади. Эвхаристия маросимида нонга хамиртуруш қўшилмайди.

11. Йигирмата консил ва қарорларини қабул қиладилар.

12. Жума куни гўшт ва ёғли овқатлар ейишмайди. Бўғилиб ўлган ҳайвон гўшти ва қонини мубоҳ деб биладилар.

13. Охирги ҳукм куни, жаннат-жаҳаннамни, аърофга ишонадилар.

14. Маросим тили лотинчадир (1965-йилдаги II-Ватикан консилида маросимларнинг турли тилларда амалга оширилишига рухсат берилган).

(Давоми бор)

Islom.uz портали таҳририяти